



Ishonch

Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлаётгани, барчангиз яхши ангайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам, юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун аввало мустақам пойдевор, истовод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба угушмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш чоғида фидоийлик ва мардлик намунасини кўрсатган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикамизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидоийлиги, мардлиги ҳамда шахсий таркиб ўртасида жанговар, сийсий тайёргарлики оширишда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

- II даражали «Шон-шараф» ордени билан
Нурбаев Ўткирбек Юлдашалиевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори
Холмирзаев Бахтиёр Авазбекович (марҳум) — Андижон вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Алоҳида йўл-патруль хизмати от-ряди катта инспектори
- «Жасорат» медали билан
Маматқулов Исмоилжон Қобулович — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Таъминлаш бўлимидаги старшинаси
Юлдашев Абдукарим Эргашевич — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро Қўриқлаш бўлимидаги милиционер

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2009 йил 1 июн

Хайр, ГУЛИСТОН! Салом, НАВОЙЙ!



Мамлакатимиз ёшларининг Сирдарёда бўлиб ўтган спорт байрамини таърифлашга қалам ожизлик қилади. Ниҳоятда жўшқин тус олган бу байрам ҳақида кўшиқлар куйлаш керак, шеър ва достонлар битиш зарур. Қизиқарли кечган бу мусобақаларга бағишлаб ҳужжатли филм яратилса, ярашади.

(Давоми 4-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасига ташрифим давомида Сиз ва Ўзбекистон халқи томонидан кўрсатилган иззат-икром ва самимий қабул учун чўқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз. Бутун ташрифим асосида, аэропортдан Самарқанд шаҳригача, мен билан бирга бўлиш имконини топганингиз мени гоят қувонтирди ва уни ҳеч қачон унутмайман. Айниқса, ислом маданиятининг улугвор ва бетакрор тарихий ёдгорликлари, Амир Темурут салтанати руҳини мужассам этган Регистон майдони ва Гўри Амир мақбараси ҳақида шахсан ўзингиз сўзлаб берганингиз менда ўчмас таассурот қолдирди.

Сизнинг Ўзбекистонни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш борасидаги фикр ва режаларингиз, айни пайтда Сиз, Жаноби Олийларининг Марказий Осиё атрофидаги халқаро вазият, ислом олами мамлакатларининг тарихи ва маданияти ҳақидаги теран билим ва қарашларингиз Сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни янада оширди ва мени гоят ҳаяжонга солди.

Сиз билан бўлиб ўтган учрашув Корёя ва Ўзбекистон бир-бирига ҳақиқатан ҳам керак бўлган ва тараққий этиш учун мунтазам ҳамкорлик йўлидан доимо биргаликда борадиган шериклар эканига ишончимни янада мустаҳкамлаш имконини берди. Музокараларимизда муҳокама қилинган энг асосий кўшма лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун келгусида ҳам Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришимизга мен астойдил ишонаман. Самимий меҳмондорчилик учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сиз, Жаноби Олийлари, ўзингиз учун қулай вақтда Корёя Республикасига ташриф буюрасиз, деб умид қиламан.

Сизга мустаҳкам сihat-саломатлик, Ўзбекистон Республикасининг эса доимо гуллаб-яшнашини тилайман.

Ли Мён БАК,
Корёя Республикаси Президенти

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Учқудуқлик ногирон болалар бундай саёхатни умр бўйи эсда сақлаши шубҳасиз. Кўшимча тушак ва мосламалар билан бойитилган автобусдан жой олган 22 нафар бола эрта тонданок Бухоро шаҳрига саёхатга йўл олишди. Мутахассислар уларга ўзларини бардам тутишлари учун кўмакдош бўлишди.

Ҳам саёхат, ҳам саховат

Баҳоуддин Нақшбанд ва «Чор Бақир»дек нуфузли қадимлар ҳикматида воқиф бўлиш, Арк, Лаби ҳавуз, «Ситорани Моҳи-хоса»даги хушманзара сайроҳлар болалар тасаввурини бойитди. Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Исмоил Эргашевнинг таъкидлашича, бундай хайрли тақдирлар тез-тез ўтказиб турилар экан. Байрам муносабати билан ҳам туман марказидаги «Садо» чойхонасида тўкин дастурхон бўлиб, 150 нафар ногирон болага ош

тортилди. Хайрия концертидан кейин улар соға-салом билан уйларига кузатилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган бир ҳафталик марафон уларнинг хоҳишлари асосида кенди. 110 нафар боланинг ҳар бирига ҳомийлик асосида соға-саломлар, спорт ва расомлик, тикувчилик жиҳозлари ҳамда компьютер улашилди.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Самарқанд томонларда

Мададкормиз

Қам таъминланган, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд шаҳар таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси 52 нафар ёрдамга муҳтожларни оталикка олди. Уларга 1 миллион 800 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

Соҳада узоқ йиллар хизмат қилган 44 нафар ўқитувчи ҳамда пенсия ёшига етганларга қасаба уюшманинг 1 миллион 300 минг сўмлик мадади берилди. 14 нафар ходим республикамиздаги турли сihat-гоҳларда дам олдирилди.

Давлат ХўЖАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Беллашув

Пастдарғомда Кишлоқ тараққийти ва фаровонлиги йиллиги бағишланган спартакиада бўлиб ўтди.

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси спартакиада-си туман босқичининг 150 нафар голиби спортнинг 4 тури бўйича бахс бойлашди. Умумжамоа ҳисобида пастдарғомликлар шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Нарпай ва Самарқанд туманлари кейинги ўринларни банд этди.

Голиблар тармоқ қасаба уюшма кенгаши томонидан рағбатлантирилиб, республика спартакиадасига йўллани олишди.

Садриддин АСЛИДИНОВ,
АСМ ходимлари Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудир

Ўз ўрнини топишди

Уرғут туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 64 та корхона ва ташкилотлар, уста-хўнарсманлар 200 дан зиёд иш ўринларини тақлиф этишди.

Шу кунги 190 нафардан зиёд фуқароуиға хушхабар билан қайтди. Туман бандлик-ка кўмаклашиш маркази мутахассислари ярмарка иштирокчиларига ҳуқуқий маслаҳатлар беришди.

Туманда иш билан таъминлашнинг бу усули ўз самарасини бераёпти. Бундан илгарини ҳам Илоли ва Ғўс кишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилган ярмаркаларда 300 нафар киши иш билан таъминланган эди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Огоҳлик — давр талаби

Осоишталлик қадри

Қашқадарё вилояти прокуратураси ходимлари маҳаллий ҳокимият вакиллари, дин пешволари, кишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, қасаба уюшма ташкилотлари фаоллари ҳамкорлигида таълим масканлари ва аҳоли яшайдиган жойларда фуқаролар билан мулоқот ўтказашти.

— Мақсад — одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, амалдаги қонунлар моҳиятини тушунтиришдан иборат, — дейди вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Исҳоқ Аҳмедов. — Ғайриисломий ақидалар, экстремистик гоғларни тарғиб қилаётган кимсаларни фoш этиб, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўиши муқаддас бурчимиздир.

Қосон ва Нишондаги бир қанча коллежлар, Қарши давлат университетини, муҳандислик-иктисодиёт инженерлари институтини, Миришкор, Қарши, Шаҳрисабз, Яқкабоғ туман ҳокимликларида ўтказилган мулоқотларда мустақилликка даврида қўлга киритилган ютуқлар, юртини асраш ва огоҳлик ҳақида сўз юритилди.

— Халқимиз тинчлиги ҳамма нарсадан муҳим, — дейди Ғузор туманидаги «Шерали» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Орол Қажоров. — Профилактика инспектори, маҳалла посбони, кишлоқ кайвонилари билан ҳамкорликда огоҳликка даврат юзасидан суҳбатлар ўтказиб тураемиз.

Халқимизда «Ўзини асрагани худо асрайди», деган нақл бор. Бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб, меҳнатдаги ютуқларимизни янада қўпайтириш учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни қашқадарёликлар ҳам бугун теран ҳис қилишмоқда.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Бизга жавоб берадилар

«Ким зарарга ишлашни хоҳлайди?»

Мирзачўл туман прокуратураси томонидан «Ishonch» газетасининг 2009 йил 14 апрел 45-сонида чоп этилган «Ким зарарга ишлашни хоҳлайди?» сарлавҳали мақола кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Республика Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010-йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва моллари, бичринчи навабатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури»га асосан Мирзачўл туман ҳокимининг 2006 йил 8 сентябрдаги 269-қарори билан қушона ташкил қилиниб, туман электр тармоқлари корхонасининг эски маъмурий би-

«Ishonch» 2009 йил 14 апрел 45-сон

носи текинга ажратиб берилган ва «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сейтовнинг ариза-сига асосан қушона фаолиятини юриштириш унинг зиммасига юклатилган. Шунингдек, туман ҳокими бошчилигида қушонани ишга тушириш мақсадида ҳомийлик тарикасида бир қатор ишлар бепул амалга оширилган. Жумладан, туман электр тармоқлари корхонасини томонидан электр-монтаж ишлари, «Сувоқова» корхонасини томонидан сув етказиб бериш ишлари бажарилган, туман ветеринария бўлими томонидан мутахассис ва асбоб-ускуналар билан (вакцинчалик) таъминланган.

2008 йилнинг 1 ноябрига қадар «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонасига қарашли қушона ўз фаолиятини давом эттириб келган. Мирзачўл туман ҳудудида фаолият кўрсатувчи қасбоблар А.Жонботиров ва А.Едгоровлар берган тушунтириш хатларига кўра, 2008 йил 1 ноябрдан бошлаб «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сейтов томонидан Жиззах туманидан келиб фаолият кўрсатувчи қасбобларнинг қушонада молларни сўймаётгани, Мирзачўл туманида истикомат қилувчи қасбоблар 2 нафарини ташкил қилиши сабабли қушона фаолияти вақтинча тўхтатилган.

Мирзачўл туман ДСИ томонидан тақдим қилинган маълумотномага кўра, «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари томонидан қорхона ташкил қилинганидан бунён иш фаолиятини вақтинча тўхтатиш ёки тугатиш ҳақида хабар берилмаган, шу сабабли 2009 йил 1 мартгача туман ДСИдан қарздорлиги 269,5 минг сўмни ташкил қилиб, 2009 йил 1 майга қадар қарздорлик 5740 сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, туман ДСИ ва статистика бўлими тақдим қилинган маълумотномаларга кўра, қорхонада ишловчи ходимлар 2 нафар, қорхона раҳбари ва қоровулдан иборат бўлиб, 2009 йил 1 майгача туман ДСИдан қарздорлиги мавжуд эмас. Қушонага дастлаб туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевнинг таъсисига кўра, мутахассис сифатида И.Рапилов ветеринария хизмати кўрсата бошлаган ҳамда туман ветеринария бўлимининг моддий бойликлари бўлган ветеринария ускуналарини ўз жавобгарлигига олган. Лекин И.Рапилов «Хусниддин-Мусурмон» хусусий қорхона қасбобларига 6 ой давомида ишлаган ва бир неча марта озгаки равишда меҳнат шартномаси тузиш ҳақида иш ҳақи масаласини ҳал қилиш тўғрисида мувожаат қилган бўлишига қарамастан, қорхона раҳбари Ф.Сейтов у билан меҳнат шартномаси тузиш чорасини кўрмаган ва иш ҳақи тўлаш масаласи ҳал қилинмагандан қолган.

«Хусниддин-Мусурмон» хусусий қорхонаси раҳбари Ф.Сейтов туман ветеринария бўлимига ветеринария мутахассисини учун тўлаши лозим бўлган иш ҳақи миқдорини аниқлаш мақсадида мувожаат қилганда туман ветеринария бўлими раҳбари И.Жумабоев томонидан «Чорва моллари пуллик зооветеринария-санитария экспертиза хизмати ҳақи нарх-наво преёқуранти» бўйича намунавий тарзда молларни сўйишдан кейинги хизмат учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини маблағ тўлаши билгиланилиги, иш ҳақи қорхона ва ходимнинг ўзаро келишуви асосида ихтиёр ривашида белгиланиши мумкинлиги тушунтирилган.

(Давоми 3-бетда)

ЎҚИТУВЧИ

Қачон дам олади?

Фидойилик маърифат аҳлига хос фазилат. Ҳодимларнинг ўзини унутиб бўлсада ўқувчилари камоли учун елиб-югуради, изланади, давр билан ҳамқадам одимлашга ҳаракат қилади. Ана шундай захматқаш инсонлар қачон ва қерда дам олади? Уларнинг саломатлиги ҳақида қим қим ўқувчи қилади? Мухбиримиз ана шундай саволлар билан Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси, педагогика фанлари номзоди Бахшудда УМАРОВАга мувожабат қилди.

— Маълумки, жамоат ташкилотлари орасида қасаба уюшмалари алоҳида ўрин тутаяди, чунки уларгина меҳнат муносабатларида кўприк вазифасини ўтайди.

Зиёлилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, саломатликларини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ марказида Чунки, соғлиқ ва кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Таълим мазмуни ўтказган ўқитувчининг иш унуми йил давомида яхши бўлади ва қўлланган муваффақиятга эришади.

Вилоят ўқув-таълим муассасаларида ишлаётган маърифат аҳли учун Бухоро давлат университети ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳузурида санаторий-профилакторийлар ташкил этилган. Сихатқолларда юқори савида тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Даволашни масканида олийгоҳдаги профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга ишдан-ўқшдан ажралмаган ҳолда даволашни, касалланишнинг олдини олиш мақсадида турли соғломлаштириш муолажаларини қабул қилиш ҳамда пархезли оқват ёрдамда даволаш хизмати кўрсатилади. Физиотерапевтик муолажалар, дарсонвализация, ултраўлқинли терапия, УВЧ, тубусли кварц, магнитли терапия, ишқорли ингаляция ва иссиқлик билан даволаш, парфин-озокерит аппликацияси, соллюкс, фитотерапия шифобахш ўсимликлар ҳамда жисмоний тарбия машқлари, сув билан даволаш, циркуляр душ, даволаш ваннаси беморларни соғломлаштиришда, касалланиш даражасини пайсатиришда алоҳида аҳамият касб этади.

2009 йилда 1050 нафар ўқитувчи-ҳодимлар ҳамда талабаларни соғломлаштириш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 345 нафар қасаба уюшма аъзолари дам олиб, саломатлигини тиклади. Бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят кенгашининг «Ўқув маркази»да ўтган давр мобайнида 92 нафар бошланғич ва цех қасаба уюшма кўмиталари раислари учун 5 кунлик ўқув ташкил этилди. Шу

билан бирга, улар Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги санаторий-профилакторийда соғлиқларини тиклаб олдидилар. Жорий йилда 100 нафар бошланғич ва цех қасаба уюшма кўмиталари раислари шундай имтиёздан баҳраманд бўладилар.

Хар йили туман, шаҳар ўқув таълим муассасаларининг раҳбарлари А.Авлоний номидидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўз билимларини ошироқдалар. Айни вақтда улардан бир гуруҳи институт қошидаги санаторий-профилакторийда соғломлаштириш муолажаларини олмақдалар. Ҳозирги кунга қадар 39 нафар ўқув таълим муассасаси раҳбарлари, 42 нафар тармоқ ходими республикамизнинг турли сихатқолларида соғломлаштирилди.

Тарихий шаҳарлар ва зиёратларга қилинган саёхатнинг ҳам ўқитувчилар фаолиятига таъсири катта. Шунинг билан олиб, 1405 нафар ходим, 115 нафар талаба, 200 нафар ўқувчиларни республиканинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб, бепул саёхатлар ташкил этишни режалаштирдик. Бухоро давлат университетининг 50 нафар, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 55 нафар иштидорли, аълочи, жамоатчи талабалари ва фаол ходимлари учун Шаҳрисабз шаҳрида саёхат уюштирдик. Вобқент, Ромитан, Гиждувон туманлари қишлоқ ҳудудидаги ўқув таълим муассасаларининг 102 нафар қасаба уюшма фаоллари Нурота қадимжосини зиёрат қилишди. Бундан ташқари 120 нафар изланувчан, ташаббускор ходимлар учун Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий обидаларига саёхатлар ташкил этилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурини бажариш, бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари ишнинг такомиллаштириш мақсадини Марказий кенгаш томонидан «Мохи хосса» санаторийида Қорақалпоғiston Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларидан келган 90 нафар қаса-

ба уюшма фаоллари учун ўқув-озик-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 23 нафари вилоят қасаба уюшма фаоллари эди. Ўтказилган сўровлардан маълум бўлдики, ўқув иштирокчиларининг 1 нафари 1999 йилда санаторийда дам олган. 22 нафари эса биринчи марта санаторийда даволанаётган экан. Уларнинг барчаси ўқиб, тажриба алмашиш билан бир қаторда даволашни, тиббий муолажаларни қабул қилиш имконини яратилганидан мамнун бўлиб, Марказий кенгашга ўз миннатдорлигини ёзма равишда изҳор қилишди.

Бухоро туманидаги 16-сон умумий ўрта таълим мактаби қасаба уюшма кўмитаси раиси Умида Розикова шундай ёзди:

— Мактабимиз қишлоқ ҳудудида жойлашган бўлса-да замонавий таъмирланган, ўқиб ва ишлаш учун яратилган шарт-шароитлар, ўқитувчилар учун вилоят кенгаши ташаббуси билан дам олиш ҳамда қасаба уюшма хоналари замонавий жиҳозланди. Фурсатдан фойдаланиб, олган билим ва тажрибамни келажакда она Ватаним равақига ва ўқувчиларим камоли йўлида сарфлайман.

— Мен биринчи марта санаторийда дам олдим, бу ҳеч эсимдан чиқмайди. — дейди Олот туман 5-сон умумий ўрта таълим мактаби қасаба уюшма кўмитаси раиси Азамат Ҳасанов

Вилоят кенгаши ташаббуси билан қишлоқ ҳудудида жойлашган мактабларда замон талаблари даражасида жиҳозланган қасаба уюшма ҳамда дам олиш хоналари ташкил этилди. Бухоро шаҳридаги 26-16, Жондордаги 2, Ромитандаги 1-мактабларда ўқитувчилар дам олиш хоналари чинакам маърифат ва маънавият масканига айланган.

Мана ёзинг жазирама кунлари ҳам бошланди. Барча бошланғич қасаба уюшма кўмиталари томонидан ўқитувчилар ва талабаларнинг таътил кунларини мароқли ва эсда қоларли тарзда ўтказиш учун дастурлар тузилган бўлиб, унда ҳар бир тармоқ ходимининг манфаати ва саломатлиги ҳисобга олинган.

Сухбатни А. НАБИЕВА ёзиб олди.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Маънавият — инсоннинг руҳан покляниши, қалбдан улғайишга қорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онга она юртва муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур синдириш ҳамда мамлакатимизда миллий го тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини кучайтириш вазифалари қасаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Вилоятимиздаги маданий-маърифий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш, бой маънавиятини тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш борасида тармоқ қасаба уюшмасининг вилоят вакиллиги ҳамда бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси таркибидagi Кўкдумалоқ, Зеварда, Помук-Алан-Култоқ цех қасаба уюшма кўмиталарида «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганишга бағишланган семинар-кеңаш ўтказилди. 4157 нафар қасаба уюшма аъзоси меҳнат қилаётган катта жамоа ва унинг ўндан ортқ конлар мажмуасида маъна-

дов, К.Жўраева ва С.Муродова каби қасабақум фаоллари ташаббуси билан «Юксак маънавият — келажак пойдевори», «Қишлоқ обод бўлса, ҳаёт фарвон», «Мустақиллик — буюк неъмат», «Қомусимиз — бахтимиз», «Огоҳлик — давр талаби» сингари мавзулардаги мулоқотлар айниқса, кизиқarli бўлди. Заводда кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаятган тажрибали темирчи-уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Қобил Мўминов билан «Қасбим

музейида корхонанинг ташкил этилиши, ривожланиши ва келгусидаги истиқболга оид ҳужжатлар, суратли лавҳалар ўрин олган. Махмуа тасарруфидagi халқаро андозаларга мос «Лочин» оромгоҳидagi маънавий хонаси ва кутубхона ўзининг намуналий жиҳозланганлиги ва адабиётларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тармоқ вакиллиги тасарруфидagi корхоналарда иш ҳафтасининг ҳар жума кунини «Маънавият ва маърифат кунини» деб эълон қилинган. Ходимлар ўртасида очик мулоқотлар, ўқув ва давра суҳбатлари вақти-вақти билан ўтказиб турилади. Қарши давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори Санжар Чориевнинг меҳнат жамоаларида миллий го тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича чиқишлари қасаба уюшма ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

«Ўзгеобурнефтгаз» акциядорлик компанияси, унинг таркибидagi корхона ва ташкилотлар ҳамда «Шуртаннефтгаз» унитар шўба корхонаси тизимидаги ишчилар шаҳар-қишлоқда жойлашган кутубхоналар янги адабиётлар билан янгилади. Жойларда ҳуқуқий маданият, меҳнат қончилиги, техника хавфсизлиги, жамоа шартномалари ва келишувларига бағишланган ўқув-семинарлари уюштирилаётганлиги ижобий самара бермоқда.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда жойлардаги «Маҳалла», «Нуроний» жағрамалари, хотин-қизлар кенгашлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жа-

моат ташкилотлари билан ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Бу борада бошланғич қасаба уюшма ташкилотларига амалий-услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Корхоналардаги маданият саройлари, клублар, кутубхоналар, оромгоҳлардаги маънавий-маърифий масканларни жиҳозлаш, таъмирлаш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйишда корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланилди.


Тармоқ вакиллиги тизимидаги корхоналарда 2008 йилда маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун 185250 сум маблағ сарфланган.

Жорий йилда ҳам «Фарзанд камоли — Ватан жамоли», «Она ва бола», «Энг намунали оила», «Қасбим — фаҳрим», «Соғлом она — соғлом бола», ёзи мавсумда эса болалар оромгоҳларида «Биз тинчлик айланимиз» мавзусида кўрик-танлов, «Мен шу юрт фарзандиман», «Истиқлол гўнчалари», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» каби маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» шioriни асос қилиб олган қасаба уюшмалари маънавийатимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакор намуналарига суянган ҳолда, ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадларга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтирмоқда.

Жумакў ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ёқлиг-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили

Қалб чирроғи



— фаҳрим» мавзусида уюштирилган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

Маънавият-тарғибот хонасида Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва завод тарихи, буғуни ва келажакга оид ҳужжатлари, меҳнат фаҳрийлари ва илғорларнинг суратлари, ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига оид иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирувчи маданий газеталар, корхона кўлга киритган сертификатлар қўйилган.

Қасаба уюшма кўмитаси ҳузурида ташкил этилган ака-ука Исоқовлардан иборат «Нихол» бадий ҳаваскорлик ансамблининг доғруғи бутун мамлакатга ёйилган. Ёш санъаткорларнинг иштирокида турли юбилей кечалари, ишчи-хизматчиларнинг тўйлари ва бошқа маданий тадбирларга бепул хизмат кўрсатилмоқда. Муборак шаҳрида корхона маблағи ҳисобидан бунёд этилган маданият ва спорт саройи ҳамма одамлар билан гавжум.

Нуристон кўрғонидagi Амир Темур номи маданият саройи ҳақиқий маънавият-маърифат масканига айлантирилган. Шўртан газ-кимё мажмуаси тарихи

қалб чирроғи

қалб чирроғи

қалб чирроғи

...У чўпондир — етти ўлка кезади...

Маҳтумқули ва Дурди шоир айтишувида.



Абдунаби Абдиев

ЎТЛОВ

Эссе

гурунглари

(Охири. Боши ўтган сонларда)

— Чўпонлардан бири: «Сизга ширбоз (ун беш - йигирма кун она сутига тўйинган кўзи) атаб қўйганман, кўнглингизга ёққан одамларини олиб қўшга ўтинг», — деганди, шунга бориб келамиз. Мана, Чандирдан меҳмонлар ҳам бор.

Йўл бўйи бу йил баҳор серёгин келганидан, чорвадорларнинг димоғи чоғлиғидан гурунглашиб кетамиз:

— Шу кунларда қайси отарга йўлингиз тушмасин, чўпон-чўликлар кучоқ очиб кутиб олади, оёғинг остига жонлик ётиради (сўяди демокчи). Кейинги беш-ўн йилда чорвадор учун бунчалик қулай йил бўлмаганди, — дейди Нурмамаат бобо.

«Беш йўл» чорраҳасидан Уртабулоқ йўлига тушамиз. Олдинда дарахлар қоплаган бир тутамгина Ниёзхон қишлоғи кўзга чалинади.

— Бу ерда ичмиллик суви борми? — сўрайди чандирлик меҳмонлардан бириси қизиксиниб.

— Сувнинг зўри шу ерда-да, кранларнинг жўрмагини истаган пайтингизда бурасангиз, Яққабоб булоқларининг ширин суви оқиб туради, — жавоб бераман.

Мошина кенг асфалт йўлдан чўл бағрига сингиб боргани сайин кўз олдингизда намоён бўлган манзара баҳри-дилнингизи очади, паст-баланд қўм барханлари инсон қўли билан экиб, парваришлангандек қипқизил қизгалдоқларга бурканган. Қайсибир йили марказдан келган расом дўстини шундай манзарага бошлаб борганимда ҳайратдан лол қолиб:

— Биз ҳам молбертни кўтариб тоғма-тоғ юрган эканмиз, табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси чўлда экан-ку, — деганди.

Ўтган йил баҳор ойларида жазганга чиқиб ётган яйловлар бугун қўм-қўқ либос кийган, лопазорлар эса унинг қўйнида битган чаманини эслатади. У ер-бу ерда ўтлаб юрган қўй-қўзилар онда-сонда бошини кўтариб ён-атрофига эринчоқ назар ташлаганини ҳисобга олмаганда, жойидан кўзғолмайди.

— Шундай йилларнинг садағаси кетсанг арзийди, — дейди Нурмамаат бобо қувончини яширмай.

Ботиний бир туйғу билан отахоннинг нималарнидир ҳикоя қилиб беришга чоғланаётганини ҳис қиламан.

2

Олтмиш саккизининг кузаги ва кишининг бошланиши қутилганидан ҳам қўрғоқчил келди. Чорвадорнинг кўнгли нотинч. Ахир, баҳорнинг файзини кишининг ёғини белгилаб бериши унга қўш панжасининг ўн бармоғидек аён. Ушанда «Ўзбекистон» қорақўлчилик-наслчилик заводининг маркази Жейнов қишлоғида жойлашган, аксарият отарлар эса Помук яйловларида қишлоғини ўтказиб ётган эди. Ҳужалиқнинг биринчи фермасига мудирлик қилардим. Навбати билан яйловларга ем-хашак етказиб берамиз, об-ҳаво шу боришда кетса, эрта баҳорда ҳам қўйларга кўндан озуқа беришимизга тўғри келиши тайин эди. Ёз давомида тўпланган озуқани расамади билан ишларардик.

Февралнинг илк кунларидан бири, эрталабдан кўкни лак-лак қора булутлар қоплаб олганидан севинчим чексиз. Майдаланган хашак тигиз жойланган тележка тиркалган трактор кабинасида олис яйловлардан бирига йўл олдик. У пайтлар чўл тўғул, қишлоқда ҳам асфалт йўллар йўқ, қўм тепалар ичига кириб борганин сайин эгри-бугри қўм йўллари бири-иккинчисини кесиб ўтади, бораётган манзилнинг ҳадисини олмаган киши овора-у сарсон бўлиб адашиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига, элакдан ўтган ундек ерга ёға бошлаган лайлак қор қўп ўтмай забтига олиб, уч-тўрт кадам нарини илғаб бўлмайдиган даражага етди.

— Бироз тезликни оширсангиз, ҳадемай йўлни топиш амримаҳол бўлиб қолади, шекилли, — шоялтираман тракторчи йигитни.

— Энг юқори тезликда бораёпман, бундан ортиғига имконимиз йўқ, — деди у.

Хуллас, қанча уринмайлик, олға боришга имкон қолмади, совуқнинг забтидан ерга тушган қор музга айланиб борар, ҳосил бўлган сирпан-

қичда трактор баланд қирларга чиқолмас, адашиб кетиш хавфи ортиб боради.

— Бўпти, орқага бур, қуёш қораймасдан қишлоққа етиб олайлик, эртага бир гап бўлар, — дедим чорасизликдан.

Йўлда сурувни бўронга қарши суришга уринаётган Рашид чўпонга дуч келдик.

— Нима бўлди, нега сурувни ёғинга қарши ҳайдамоқчи бўляпсан, — сўрадим ундан.

— Эрталаб ёғингарчилик бўлмайди-дегандек кўринганди, ўтовдан сал узоқлашиб кетибман, — гуноҳорона мингирлади бош чўпон.

— Неча йилдан бун қўй боқаяписи?

— Йигирма йилча бўлди.

— Наҳот шунча йиллик тажриба билан об-ҳаво ўзгариб турган вақтда қўйларни шамол йўналишига ҳайдамаслик кераклигини билмасанг, — жигибийроним чиқди.

Чўпон, тракторчи учовлашиб икки-уч соат уриниб сурувни отарга етказиб келдик. Бу маҳал Рашиднинг ёнашиқ чўпони — Жумагелди Вазиrow алакқочон қўйларини қўтонга қамаб, чой ичиб ўтирган экан.

— Уа, чўпонликни Жумагелдидан ўрганг, эрталаб қўйларни шамол йўналишига қарши суришга чикаргани учун, бўрон бошланиши билан ортиқча қўйинчиликсиз ўтовга қайтиб келибди, — дакки бердим.

— Тўл мавсумида сураган қўзингизни ўстришга қолдирсан бўлдим. Сизга бошқа нима керак, — манмансиради Рашид чўпон.

— Менга режа эмас, чўпон керак, — дедим жahlим чиқиб. — Бу ишининг ҳадисини олмасангиз, истаган пайтда панд еб қолишингиз мумкин.

Чўпонлар билан бир пиёла чой ичиб, тележкага ортилган хашакни тушириб, қишлоққа қайтдик...

...Туннинг алламаҳали совуқдан қўншиб йўга қариб келдим, пекчада гувиллаб ёнаётган олов тафти элитса-да, қани қўзимга уйку келса... Чунки тўрт-беш кун олдин тоғдан қайтган икки ёнашиқ отар — Исмоил ва Маманиёв чўпонлар бошлиқ сурувлар қишлоқ жойларига етиб улғур-ришмаганди.

Бошини ёстиққа қўйдим дегунча хаёлимдан хавотирли ўйлар ўтаверди: «Бўронда чўпонларнинг холи нима кечди экан? Сурув тақдирини нима бўлади?»

Наҳот, катта талофат бериб, юзимиз шувит бўлса? Хуллас, туни билан тўғлониб чиқдим...

3

Нурмамаат бобо олис уфларга термулиб жим қолади, мен эса шеркларимиздан биронтаси бемаврид сўз очиб отахоннинг хотираларини бўлмас эди деган хавотирда гап отам:

— Кейин нима бўлди?

— Кейинми, кейин нима бўларди, эртасига ҳўжалик раҳбаридан иккита юк мошинаси ажратилишни сўрадим.

Директоримиз Нурали Умаров сермулоҳаза одам эди, раҳматлик:

— Нурмамаат, қанча қийинчиликка дуч келсангиз ҳам сурувларни излаб топиб, қишлоқ жойига етказмай ортага қайтманг, — деди.

— Мошиналардан бирига борича арпа, майдаланган хашак, иккинчисига нури ортиб йўлга чиқдик.

— Ем-хашак олиб кетишингиз тушунарли, аммо чўлга нури нимага керак, — ҳикояни бўламан қизиксиниб.

Нурмамаат бобо «шунинг ҳам билмайсанми», дегандек юзимга боқди.

— Қизик-да, ўзи сурув юрган ерларга бораёписиз, истаган қўтон ёки кашардан беш-ўн мошинлаб нури топса бўлади-ку?

— Боя айтдим шекилли, қор тизза бўйи ёғиб музлаганди, устига нури тўжиб эритмасак, қўйларни муз қўтонга қамаб фойда топармикди.

Хижолатдан дув қизариб ҳикоянинг давомини эшитишга чоғланаман.

— Хуллас, кун бўйи из олиб сурувларни топиб бордик, ҳар иккала отар қўйчинонлари бўронда адашиб Туркменистоннинг Нах яйловига ўтиб кетишган экан. Чўпон-чўликларнинг бизни қўриб қувонишганини кўрсангиз

«Ким зарарга ишлашни хоҳлайди?»

«Ishonch» 2009 йил 14 апрел 45-сон

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси ўз маҳсулотини (ишлари, хизматлари), ишлаб чиқариш чикдиларини бозор қонюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиладиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ваколатига эга.

Шу сабабли «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сейтов туман ветеринария бўлимига тақдим этган хизмат калкуляциясига бўлим раҳбари И.Жумабоев имзо қўйишдан бош тортган.

2009 йилнинг 17 апрел кунидан бошлаб корхона раҳбари Ф.Сейтов корхонанинг ҳаражатлар танҳаридан келиб чиқиб, ҳар бир сўйилган бир бош йирик шохли мол учун 9000 сўмдан, майда шохли мол учун 4000 сўмдан тўлов ундирган ҳолда фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Мирзачўл туман ҳокими томонидан «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонасига ҳар бир сўйилган мол учун 4500 сўмдан хизмат ҳақи олиш тўғрисида ҳеч қандай фармойиш чиқарилмаган бўлиб, факатгина бошқа туманлардаги қушхоналардан олинган хизмат ҳақи нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳақ олиниши тўғрисида тавсия берилган.

Хусусий корхона раҳбари Ф.Сейтов Жиззах туманида истиқомат қилувчи қассоблар молларни шу ерда сўйиб, кейин шахсий автомашиналарида Мирзачўл туманига олиб келиб сотишиб, санитария-гигиена ва ветеринария қоидаларини бузганлиги ҳақида ветеринария мутахассиси асбоб-ускуналарни олиб кетганлигидан норозилиги тўғрисида 2008 йилнинг март ойида вилоят ДСЭНМ ҳақида вилоят ветеринария бошқармасига ариза билан мурожаат қилган бўлиб, ариза юзасидан юқорида кўрсатилган идора мутахассислари томонидан Мирзачўл туманидаги қушхона ҳамда қассоблар фаолияти текширилган.

Вилоят ДСЭНМ мутахассислари томонидан 2008 йил 15 апрел куни ўтказилган текширишда ҳақиқатан ҳам қушхонада санитария ҳақоли қонирқили ва таъмирланган ҳолатдалиги, бартараф қилиш мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги, лекин ветеринария назорати ташкил этилмаганлиги ҳақида туман «Дехон бозори» ҳудудида фаолият кўрсатувчи 5 нафар қассоб томонидан санитария-гигиена қоидалари бузилганлиги аниқланиб, бу ҳолатларни 10 кунлик муҳлат ичида бартараф қилиш тўғрисида қаттиқ оғохлантирилган.

Мирзачўл туман прокуратураси томонидан 2008 йилнинг май ойида корхона раҳбари Ф.Сейтовнинг аризасига асосан ўтказилган текширишда 5 нафар қассоб томонидан санитария-гигиена қоидаларини бузиш ҳолатлари бартараф қилинмаганлиги аниқланиб, уларга 2008 йил 30 майда МЖТКнинг 53-моддасига асосан жарима солинган.

Вилоят ветеринария бошқармаси томонидан 2008 йил 11 апрел куни қушхонанинг ветеринария қоидалари

талабларига мос келиш-келмаслиги ўрганилганда, қушхонада етарлича шароит яратилмаганлиги, яъни ветврач учун алоҳида хона, жиҳозлар, шунингдек, ветеринария кўригини ўтказиш учун асбоб-ускуналар етишмаслиги, бунга хусусий корхона раҳбари Ф.Сейтов сабабчи бўлганлиги, яъни у туман ветеринария бўлими билан асбоб-ускуналар учун ижара шартномаси, ветврач И.Рапилов билан меҳнат шартномаси тўламаганлиги аниқланган, бу ҳақда ариза муаллифига 2008 йил 16 апрелда жавоб хати юборилган.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, вилоят ДСЭНМ ҳодимлари томонидан қушхонанинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериш ҳамда бартараф қилиш мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги аниқланган бўлса, вилоят ветеринария бошқармаси ҳодимлари томонидан қушхонада ветврач учун шароит яратилмаганлиги ва ветеринария қоидалари бузилганлиги аниқланган.

Мақолада қайд этилган, Мирзачўл тумани ҳудудида қассобчилик билан шуғулланиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар тўғрисидаги ҳолатлар қисман тасдиқини топди.

«Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сейтов кредит маблағи ажратилиши юзасидан «Пахтабанк»нинг Мирзачўл туман бўлимига оғзаки равишда мурожаат қилган бўлиб, банк бошқарувчиси Ш.Искандаров томонидан ҳужжатларни расмиёлаштириш тартиби тушултирилган, у ҳужжатларни тўлиқ тақдим этганидан сўнг кредит ажратиб берилиши таъминланди.

Мирзачўл туман прокуратурасига 2007 — 2009-йиллар давомида 4 марта «Хусниддин-Мусурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сейтовнинг аризалари келиб тушган бўлиб, барча мурожаатларига туман прокуратураси томонидан белгиланган муддатда жавоб хатлари юборилган.

Текшириш натижаларига кўра, Мирзачўл туман прокуратураси томонидан қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилди, 3 нафар шахс (қассоблар Ф.Каримов, А.Наврўзов ва «Ақбархон ҳожи» қушхонаси ветврачи Е.Мамасолиев) кунун бузилишига йўл қўймадик хусусида оғохлантирилди, 5 нафар шахсга (туман ДСЭНМнинг жисмоний шахслар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д.Калонов ва бозор ҳудудида бириктирилган инспектори С.Санаев, туман ДСЭНМ бош врачлари А.Хамроев, туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоев ва туман «Дехон бозори» МЧЖ раисининг ўринбосари А.Усмонов) нисбатан бозор ҳудудида қассоблар фаолияти устидан етарли даражада назорат ўрнатмаганликлари учун интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Д. ҚУРБОНОВ,
Жиззах вилоят прокуратурининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси



Мақолада келтирилган ҳолатлар Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан маҳаллий ҳокимлик ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда жойида ўрганиб чиқилиб, қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланганлигини маълум қиламиз.

Э. ГАДОЕВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Мақолада баён этилган муаммо ва камчиликлар тегишли мутахассислар томонидан атрофича ўрганиб чиқилди.

Бугунги кунда Ф.Сейтовга қарашли 6 хонадан иборат қушхонанинг 2 та хонаси, яъни мол сўйиш ва ичак-қоринни тозалаш хоналари ишлаб турибди, бино девори 1,5 метр баланликда қизил бўёқ билан бўялган, илгак молсамалари ўрнатилган, сув ва электр энергияси билан таъминланган, оқова сувлар қувур орқали чиқиб, махсус қавланган, лекин усти эпимлаган чуқурга бориб тушаётганлиги аниқланди.

Хусусий қушхонага хизмат кўрсатиш учун шартнома тўламаган бўлса ҳам туман ветеринария бўлими томонидан мутахассис — ветеринария врачлари Жамол Напасов бириктирилган. Сўйишга келтирилган чорва моллари дастлаб ветеринария кўригидан ўтказилиб, сўйилгандан кейин ветеринария экспертизасидан ўтказилиб, ветеринария врачининг бирламчи ҳужжати асосида чиқариш ташкил қилинган. Туман марказида қассобчилик билан шуғулланиб келаётган гўшт дўкони қассоблари молини «Хусниддин-Мусурмон» хусусий кичик корхонасининг (раҳбари Ф.Сейтов) қушхонасида сўйдириб, ветеринария назоратидан ўтганидан кейин тамағланиб, маълумотнома асосида сотилмоқда.

Қассоблар ветеринария хизматидан ташқари, қушхона хизматига ҳар бир қорамол учун 9 минг сўм, ҳар бир майда шохли мол учун 3 минг сўмдан (вилоят прокуратурасининг жавобиди) юмтага 4 минг сўм деб кўрсатилган — тахририят.) кимтанция асосида пул тўламоқда.

«Хусниддин-Мусурмон» хусусий кичик корхонаси қушхонасида кунига 4 тагача мол сўйилиб, чорва молларининг қушхонага олиб келиниши, сўйилиши, гўшт маҳсулотларининг ташлишида ветеринария хизматига амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш вазодидан ҳодимлар бириктирилган.

Б. КАЛАНДАРОВ,
Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Туман мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда барча тадбиркор қассоблар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, улар маъруза мақола билан таништирилди...

...Туманга четдан ҳужжат-сиз, ноқонуний гўшт ва гўшт маҳсулотларини олиб келиб гўшт дўконида савдо қилиниши чек қўйилди.

Туман ҳудудида фаолият юритаётган гўшт дўконлари кўздан кечирилиб, сотувдаги гўшт дўконида савдо қилиниши чек қўйилди. Туман ҳудудида фаолият юритаётган гўшт дўконлари кўздан кечирилиб, сотувдаги гўшт дўконида савдо қилиниши чек қўйилди.

Қассобларнинг санитария дафтарчалари ва ветеринария ружатномалари тўлиқ расмиёлаштириб борилиши бўйича алоҳида кўрсатмалар берилди.

Туман деҳқон бозори ветсанэкспертиза лабораторияси ветврачи Ф.Равашинов 2009 йил 6 феврал куни вазифасидан озод қилиниб, вақтинча ишлаётганлиги учун туман ветеринария бош врачига (И.Жумабоев) ҳайфсан берилди.

М. БОБОБЕКОВ,
Мирзачўл тумани ҳокими

Мақолада баён этилган муаммо ва камчиликлар Республика давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари К.Умаров, Жиззах вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Я.Чалабаев, Мирзачўл туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоев, бозор ветсанэкспертиза лабораториясининг муdiri И.Рапилов ҳамда хат муаллифи Ф.Сейтов иштирокида атрофича ўрганиб чиқилди.

Ф.Сейтов раҳбарлик қилаётган «Хусниддин-Мусурмон» кичик корхонасига қарашли қушхона ҳозирги кунда тўлиқ фаолият кўрсатаётми...

...Гагарин шаҳрининг марказий деҳқон бозорига ҳозирги кунда 7 та гўшт дўкони фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир гўшт дўконининг фаолияти мониторинг асосида ўрганилганда, сотувдаги гўшт маҳсулотлари «Хусниддин-Мусурмон» қушхонасида сўйилганлиги аниқланди. Гўшт маҳсулотларида бозор ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси тамағлари билан бозорда ҳаром ўлган мол гўшти аралаштириб сотиш ҳолати аниқланмади. Марказий деҳқон бозорига қассобчилик билан шуғулланиб келаётган шахсларнинг санитария дафтарчалари ва ветеринария ружатномалари кўриб чиқилганда, ҳужжатлар тўғри расмиёлаштирилганлиги аниқланди.

Аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида чорва молларини махсус сўйиш қорхоналари ва майдончаларида сўйиш, бу қасб билан шуғулланувчи шахсларга ружат гувоҳномалари бериш, сотувга фақат ветеринария экспертизасидан ўтказилган маҳсулотларни чиқариш зарурлиги юзасидан туман марказий бозорига фаолият юритаётган барча тадбиркор қассоблар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, тушултириш ишлари олиб борилди.

Аризада кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан Мирзачўл туман ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевга Жиззах вилояти давлат ветеринария бошқармасининг 2009 йил 6 февралдаги 4-қсонли буйруғига асосан ҳайфсан берилган. Шунингдек, аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотлари ҳавфсизлигини таъминлаш устидан етарлича назорат ўрнатмаганлиги сабабли Мирзачўл тумани деҳқон бозори ветсанэкспертиза лабораторияси муdiri Ф.Равашинов туман ветеринария бўлимининг 2009 йил 6 февралдаги 3-буйруғига асосан эгалаб турган лавозимидан озод этилиб, ўрнига ветеринария врачлари И.Рапилов таъинланган (далолатнома, буйруқ, тушултириш хатлари илова қилинади).

Ушбу масала юзасидан ариза муаллифига маълумот берилди.

Н. ЮЛДАШОВ,
Республика давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи

ТАШАККУРНОМА

Газетангизнинг 2009 йил 14 апрелдаги 45-сонида «Ким зарарга ишлашни хоҳлайди?» мақоласи чоп этилгандан кейин катта ўзгаришлар рўй берди. Туманимизда очилган мол сўйиш шохобчаси ишни қайта йўлга қўйиб, тўлиқ тубдан ишламоқда. Бозорда сотилаётган гўшт сифати ҳамда қассобхоналарнинг санитария ҳолати тўғрисида, туманимиз аҳолисини хурсанд қилди. Туманимиз аҳолисини номидан тахририят ҳодимларига миннатдорчилик билдираман.

А.ЯДИГАРОВ, И.АРАМОВ, М.МУХИМОВ, Х.ХОЛИЗАЕВ,
Мирзачўл тумани меҳнат фахрийлари

ТАХРИРИЯТДАН:

Ушбу мақолани беришдан мақсадимиз, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган имкониятларни кўрсатиб бериш, уларга қўйилаётган сунъий тўсиқларни бартараф этишга қўмаклашиш, пировардда, қишлоқда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш жараёнидан ўқувчиларни хабардор этиш эди.

Мақсадимизни тўғри англаган, мақолада кўтарилган муаммоларга бефарқ бўлмаб, муносабат билдирган барча мутасадди идораларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Аммо мақолада айтиб ўтилган бир ҳолатга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги бизни ажаблантирди. Унда Мирзачўл деҳқон бозори ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси муdiri Ф.Равашинов туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевнинг 2009 йил 6 февралдаги 3-буйруғига кўра ишдан озод қилинганлиги қарамай, муҳбирларимиз борган 28 март кунига қадар бозор ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётганлиги баён этилган эди. Деярли барча жавобларда Ф.Равашинов юқоридаги буйруққа асосан вазифасидан озод этилиб, ўрнига И.Рапилов таъинланганлиги айтилди. Бизда нусхаси мавжуд бўлган ҳудуди шу буйруққа асосан эса Ф.Равашиновнинг ўрнига вақтинчалик деҳқон бозори ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси муdiri этиб Расул Тажиев таъинланганлиги қайд этилган. Республика давлат ветеринария бош бошқармасининг тахририятга йўллаган жавоб хатига илова қилинган Мирзачўл туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи И.Жумабоевнинг 9-буйруғида И.Рапилов ушбу лавозимга 2009 йилнинг 1 апрелида таъинланганлиги аён бўлади. Шундай экан, Р.Тажиевга нима бўлди?

Иккинчидан, шунча вақт ноқонуний фаолият кўрсатган Ф.Равашиновга нисбатан қонуний чора қўрилиши керакми-йўқми?

эди. Мошиндаги ём-хашакдан бир қисмини бетон қурулмага ағдариб қўйилгани озиқлантиридик, тунга қўйилган говада қудуқдан сув чиқариб, чанқоғини бостирдик. Кейин сурувларни бўлиб-бўлиб қўтонларга қаммадик. Кечаси ўтовдан хабар олишга келган шу ердаги хўжалик раҳбари, ферма муdiri билан бироз қизишиб қам олдик. Уларнинг қўтонларини ўзбошимчилик билан эгалаб олганимиздан жаҳли чиққанди. Лекин чорвадор аҳли қийин вазиятда барибир бир-бирига қайишади. Маманиёз чўпон бўзилган қўйнинг қабобини ёб ярашиб олдик. Эртасига янги танишларимиз бизга чегарадан чиқиб олганимизча йўл кўрсатиб боришди. Беш кун деганда Маманиёз чўпоннинг сурувини Илоили, Исмоил чўпоннинг сурувини Уртабўлоқ яйловларига етказиб келдик...

— Бир ёмоннинг бир яхисини бор, дейишади, — ҳикоясига хотима ясади Нурмамат бобо. — Уша йилнинг баҳорига яйловлар бу йилгидек ўт-уланга мўл бўлиб, қишлоқда қўрган азобларимиз унутилди. Жейновда пахтачиликка ихтисослашган чорвачилик хўжалиғи очилиб, хўжалик маркази Помуққа кўчиб келди.

4

Гурунғ билан бўлиб Шоди чўпоннинг ўтовига етиб келганимизни сезмай қолганимиз.

— Э-э яшанг, герой бобо, энди келмайсизлар шекилли, деб хавотирланиб тургандим, — истикболимизга чиқди Шоди чўпон. — Қани ўтовга марҳамат.

— Утириш бир гап бўлар, қўйларни кўрайлик, — деди отахон. — Кейинроқ кўриб берайсиз дегандим, юринг бўлмаса,— йўл бошлади ўтов соҳибини.

Утин ва юлғундан тикланган кашарга йигирма чоғли совлик қамалган, икки нафар йигит қўйларнинг жунини қирқшаптапти.

— Хорманглар, йигитлар, ишларнинг сонида анча кўп қўзилар бор экан, — Наслиқчи ишларнинг ёмон эмас. Қўзиларнинг деярли ҳаммаси кетмон кўйрўк экан, бу навли қўйнинг эти тош босади, чидамиллиғи ҳам зўр. Тўл тушганига анча бўлибди.

— Янги туғилганлари ҳам бор, оналарининг изида ўтлаб юрибди.

Сўнгра Шоди чўпон бизни қалингина ўтлоққа ёзилган тушамчи томон бошлайди.

— Чўл пивёзига ҳам худо берибдими дейман, — шорикларимиздан бири эгилиб бир тутам гўвҳни юлиб олиб, ёнғига артади, кейин иштаҳа билан тановул қилади. — Баҳор ноъматларидан тотиб қолиш керак.

Болалик йилларим қўй-қўзи ортида ўтган бўлса-да, қанча уринмайин қўрқад ўт-уланларнинг номини эслолмайман. Қўзимга галати кўринган урулган унинг чиққан ниҳолга мэнгээш миттигина ўсимликни Шоди чўпонга кўрсатиб сўрайман:

— Бу қандай ўт?

— Чўпонлар буни хардандон дейишади. Айнқаса, урулгандан сўнг қўйлар учун энг тўйимли озуқа. Шувок, селма, йилқо, читир, бюрунғ, окбош, туронғил, қийқўт... — Шоди чўпон чўл гиёҳларининг номини санашга тушади. — Бу йил кейинги уч-тўрт йилда тури йўқолай деб қолган ўт-уланларнинг ҳам уруғи унинг чиқди. Сизлар ўтириб туринглар, мён ҳозир...

Шоди чўпон ўтов томонга кетди.

— Мана қўрасизлар, ҳозир гўмма олиб келади, — дейди Нурмамат бобо. — Шодининг шу хислатига борман, бировларга ўхшаб ҳар икки кунда бир «нон олиб келаман» деб қишлоққа энмайди, ўтовда доимо

икки-уч қоп ун туради. Нон тугай бошлаши билан хамир тутиб, гўмма пиширади. Ўтовда гўмма пишмаган чўпон-чўпонми!

Отахоннинг айтгани тўғри чиқади. Шоди чўпон баркашдек гўмани шаван (хамир ёйилгандан тахта) устига қўйиб келади:

— Атайлаб сизлар учун тайёрладим, чўлга чиққандан кейин гўмма ейиш керак-да. Буни пиширишни отамдан ўрганганман.

У гўманинг тенг ярмисини пичок билан кесиб дастурхонга қўйди:

— Қолганини олиб кетасизлар, болаларингиз чўпон номини тотиб кўришин.

Чойдўшда қайнаган чўпони чой ичиб, ховури чиқмаган гўмани янги олинган асалга ботириб ноношга қиламиз.

— Бу чўл гиёҳларидан олинган асал. Ҳар баҳор ёнимизга асалчилар кўчиб келишади. Мен уларга гўштдан қарашаман, улар асалдан.

Ноншудан сўнг Нурмамат бобо:

— Ширбоз шўрва пишғунча Абдунаби иккаламиз хув анави балинд қирғи айлаиб келамиз, — дейди.

— Майлингиз, — розилик беради мезбон. — Фақат ҳаялбаб қолманглар.

5

Бир қадамдек кўринган тепаликка анча йўл босишимизга тўғри келди. Чўпоннинг «хайласи ҳам бир кўнлик йўл» деганларига яна бир бор амин бўлам. Ҳамроҳим тепаликнинг кунгай бетида ёнбошлайди-да, бир тутам шувок бўтасини узиб олиб, тўйиб-тўйиб хийлайди:

— Баҳорги шувок исди одамни сармаст қилади, қани энди сурув изига тушиб, шувокзор оралаб кетаверсанг, кетаверсанг.

Сўхбатдошим олис қирларга, тўлқинлари қирғоққа шовқин солиб урилаётган қўлга тикилиб, ҳаёлга толади, балки у шу тоғда олис болалик йиллари хотирасига қўмилгандир.

— Нурмамат бобо, боя чўпончилик керак дегандингиз, нима, чўпон ва чўпончилик ўртасида фарқ борми?

— А, — отахон чўчиб тушади, сўнгра саволимизга жавоб беради. — Бўлганда қандок, сурув изидан юрган ҳар кас ҳам чўпончиликдан хабардор бўлавермайди, билсанг, чўпончилик дегани катта мактаб. Оганёз бобо ҳақида эшитгандирсанг, саволимни қара, қайсидаир йили у киши ҳақида катта очерк ёзгандинг, шекилли. Ана шу одамни чўпончилик мактабининг дарғаси деса бўлади.

Рости, Нурмамат бобонинг ўзи ҳам ёшлигидан чорвага қўнғил бериб, чўпончиликнинг анча-мунча ҳадисини олган. Шу боис энг тахрирбали чорвадорлар ҳам отахондан тез-тез маслаҳат сўраб туришади. Нурмамат бобо чўпон-чўликларнинг доимий қадрли меҳмони эканлиги боиси ҳам шунда.

— Чорвани, чўпончиликни билшида мен сўхбатдош бўлган ҳеч бир киши Оганёз бобо билан баҳслашолмасди. Ишонсаман, бобонинг саводи ҳам йўқ эди, ҳарф танимасди, лекин йилнинг қайси фаслида сурувини қайси яйловда боқиб, қандай гиёҳларни едириш, табиат инжиқликларини қандай ёнғиб ўтиш кераклигини беш бармоғидек биларди. Жаҳонга машҳур «Помуқ» навли қоракўл тери ихтирочиси ҳам шу одам. Билсанг, Оганёз бобонинг тахрирбаларидан халигача қишлоқ хўжалиғи институтларида дарслик сифатида фойдаланишди.

— Саводи йўқ дегингиз-ку, дарсликни қандай яратган?

— Бунинг ўзи бир тарих. Эндигина ўн олти-ўн еттинчи тўлқиндан даврим эди, қалхозда ҳисобчи бўлиб ишлардим. Бир кун тушликдан сўнг ёлғиз ўзим ёзув-чизув ишларини қилиб ўтирганимда идорага зиньёнамо нотаниш киши кириб келди:

— Ука, хўжалик раҳбарларини қандай топсам бўлади?

— Кўпчилиги олис яйловларга чиқиб кетишган, қачон қайтишларини билмайман.

— Бўлмасам, сизга арзиманган бир илтимосим бор, ёрдам берасизми?

— Жоним билан, қўлимдан келса...

— Сизларда Оганёз ота деган чўпон бор, шу киши билан учрашимиз керак.

— Бунинг қийин жойи йўқ, у киши ҳозир нафақага чиққан, ҳойнаҳой

уйларида бўлса керак. Юринг, бизникига борайлик, Оганёз отани чақириб келаман.

Меҳмонни уйга олиб кетдим. У пайтлар ҳовли кўтаришга ҳам қурбатим (сармом димоқчи) етмаган, даҳиза ва бир хонадан иборат қўрим-сизгина уйим бор эди. Онам дастурхон ёзди.

— Уятга олмайсиз, бизнинг туриш-турмушимиз шу, — дедим хижолатомуз.


— Зарари йўқ, хали ёшсан, вақт келиб ҳаммасига улғурасиз.

Баҳоли қудрат қозон остирдим, сўнгра Оганёз отани чақириб келдим. Овқатланиб бўлганимиздан кейин меҳмон:

— Ука, сиз ўз ишингиз билан бўлаверинг, бизга бир чойнак чой берсангиз бас,— деди.

Хайр, ГУЛИСТОН! Салом, НАВОЙ!

(Боши 1-бетда)
— Мирзачўлга бораёпмиз деб келгандик, — дейди тошкентлик сузиш устаси Юлдуз Қўчқорова. — Узимни яна мамлакатимиз пойтахтига келиб қолгандай ҳис этаяпман.
— Бизни жуда яхши кутиб олишди, — деди бадий гимнастика бўйича фарғоналик спортчи Рушания Халилова. — Дўстона кайфият юксак чўққиларни забт этишга ундади. Мусобақа ташкилотчиларига, мезбонларга миннатдорчилик билдираман.
Муболагасиз айтиш мумкин, мусобақаларнинг тантанали очилиши Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказилган 29-ёзги олимпиаданинг очилиш маросимига ўхшаб кетди.
Футбол баҳсларида Сирдарё терма жамоаси аъзолари пеналтилар баҳсида андижонликларга ютқазиб қўйди.
Мезбонлар дарвозабони Жавоҳир Эшназаров: «Вилоятини шаънини муносиб ҳимоя қила олмадим», — дея кўз ёшларини тўхтата олмасди. «Му-



ҳими, ғалаба эмас, «Умид ниҳоллари» да иштирок этиш бахти ҳаммага ҳам насиб этмайди, сен озод юртнинг бахтли боласисан», — дея уни юпатдик. Боёвтулик курашчи, 36-мактаб-



нинг 9-синф ўқувчиси Отабек Умр-бёвнинг андижонлик, сурхондарёлик, тошкентлик ва бухоролик курашчиларни енгиб, биринчи ўринни эгаллагани Сирдарёда спортнинг белбоғли кураш тури ривожланаётганидан далолат беради.
Оқшомлари Гулистонда жозибали мусиқа садолари тинмади. Қўшиқлар куйланди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъат усталари, олимлар ва адабиёт намояндлари мусобақа қатнашчилари ҳаётини маънавий жиҳатдан бойитдилар.
1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрам байрамга уланиб кетди. Айна шу куни эрта тонгда мамлакатимиз вилоятларидан келган спортчилар кузатиб қўйилди.
Энди мамлакатимиз ёшлари, умидимиз ниҳоллари Навоий шаҳрида учрашдилар.
Пиримкул ДўСТМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

поғистон, иккинчи куни Сирдарё жамоасини мағлуб этган қизлардан келажақда яхши спортчилар етишиб чиқиши аниқ.
Гулистон давлат университетидан ўтган қизларнинг баскетбол беллашувларининг ярим финалида куйидаги натижалар кайд этилди: Тошкент ш. — Хоразм — 35:23. Қорақалпоғистон — Наманган — 41:34.
3-ўрин учун баҳс. Хоразм — Наманган — 49:34.
Этибор қилинг, баскетболчилар финалида ҳам Тошкент шаҳри ва қорақалпоғистонлик спортчилар рўбарў келишида ва унда тошкентликлар голиб чиқди.

сирдарёликлар эса 12:4 ҳисобда наманганлик тенгқурларидан устун келди.
Сирдарёликлар ғалабали одимини финалда ҳам тўхта-тишмади ва пойтахтликларни мағлуб этди: Тошкент ш. — Сирдарё — 14:23.
3-ўрин учун ўтган учрашувда ҳам голиб сўнги сонияларда маълум бўлди ва бирозгина омад ғалабани наманганликларга туҳфа қилди: Хоразм — Наманган — 15:18.
«Ешлик» марказий стадионида ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги қўл тўпи беллашувлари ҳам сирдарёликлар учун омадли бўлди.
Ярим финал: Тошкент ш. — Сурхондарё — 8:9.

Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси калити иккинчи ўринни эгаллаган Сирдарё вилояти жамоасига насиб этди. Совринларни Ўзбекистон халқ таълими вазири Файрат Шоумаров топширди.
Олтин медал, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақалари иштирокчиларига йўллаган байрам табригининг асл нусхаси ҳамда «Дамас» автомашинаси калити мусобақанинг мутлақ голиби — Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Совғаларни Президентнинг давлат маслаҳатчиси Эркин Зоҳидов топширди.
Албатта, тинч дийерга бай-

рамлар ярашади. «Умид ниҳоллари — 2009» мезбонлари мусобақа эстафетасини Навоий вилояти вакилларига топширди. Мусобақа машъаласи ўчирилди. Юрт довруғини дунёга таратишда энг асосий восита ҳисобланган спорт миллионлаб қалбларни бирлаштиради. Биз ўзбек спорти билан фахрланамиз ва дунё эйтиборини қозонишга қодир миллатимиз. Бугунги «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақалари иштирокчиларидан эса келажақда чемпионлар, халқаро мусобақалар совриндорлари, янаям андижон, элим деб, юртим деб ёниб ашайдиган комил инсонлар етишиб чиқади!



НИҲОЛЛАР



бақувват чинор бўлажак

Гулистонда ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларида республикамиздаги ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари спортнинг 12 тури бўйича маҳоратларини намоиш этишди.


Айни пайтда ўрта мактабларимизда тўққиз йиллик таълим йўлга қўйилган бўлиб, «Умид ниҳоллари-2009» мусобақаларининг иштирокчилари ҳам асосан еттинчи, саккизинчи ёки тўққизинчи синф ўқувчилари эди. Бадий гимнастика, сузиш, спорт гимнастикаси беллашувларида 10-11 ёшли ўғил-қизларнинг ҳам қатнашганлиги қувонарлидир. Уларнинг чехрасида туғилиб ўсган заминга муҳаббат, урт шарофтини муносиб ҳимоя қилишга бўлган интилишни кўриб қалбимиз гурурга тўлди.
Белбоғли кураш баҳсларида 46 кг. вазн тоғфасида гиламга чиққан Мақсудбек Мўйдиновнинг чаққонлиги ва чиройли ҳаракатлари унга мусобақада иккинчи ўриндан жой олиш имконини бериш билан бирга «Энг яхши спортчи» номинациясида ҳам голиб чиқишини таъминлади.
Футбол баҳсларини кузатар эканмиз, жамоаларнинг ҳаммаси тенг кучли эканига амин бўлдик. 1-тип болалар спорт мажмуасида ўтган биринчи кунги ўйинларнинг барчаси дуранд билан аяқланди ва голиблар пеналтилар сериясига кўра аниқланди.
Навоий — Наманган — 1:1, пен. 4:5, Самарқанд — Тошкент ш. — 3:3, пен. 6:5, Тошкент ш. — Сурхондарё — 1:1, пен. 5:3, Андижон — Сирдарё — 2:2, пен. 5:4, Тошкент ш. — Самарқанд — 0:0, пен. 5:4.
Янаям қизқарлиси, футбол баҳслари ярим финалига водийнинг уч вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари чиқиб келди.
Андижонликлар Тошкент шаҳри терма жамоасини (3:0), наманганликлар эса фарғоналик тенгқурларини (2:0) мағлуб этиб финалга йўл олди.
Хал қилувчи ўйинда Наманган ва Андижон жамоалари учрашиб, унда 2:1 ҳисобида наманганликлар ғалаба қозонди.
Турнирнинг «Энг ёш яхши ўйинчиси» деб топилган андижонлик ярим ҳимоячиси Нажмиддин Комиллов билан аяқдан танишдик.
Шахрихон туманиданман, 8-мактабнинг саккизинчи синфда ўқийман. Улғайиб, «Андижон», «Бунёдкор» жамоаларида ўйнамоқчиман.
Нажмиддин, жамоангиз финалда ютқазди. Умуман, сиз учун қайси ўйин қийинроқ бўлди?

— Биринчи ўйинда қорақалпоқлик тенгдошларимиз устидан зафар кучдик. Сўнгра сирдарёликларга дуч келдик. Шу ўйин жуда оғир ўтди. Узим тўп киритган бўлсам-да, ғалабага пеналтилар бўйича эришдик. Бирок кумуш медал ҳам ёмон натижа эмас...
Гулистондаги «Алпомиш» спорт марказида ўсмирлар ва қизлар ўртасида волейбол баҳслари ҳамда бадий гимнастика бўйича мусобақалар ўтди.
Волейбол баҳсларининг ярим финал ва финал учрашувларида (ўсмирлар) Тошкент шаҳри жамоаси қашқадарёликларни, қорақалпоғистонликлар эса Фарғона терма жамоасини 2:0 ҳисобида енгди. 3-ўрин учун майдонга чиққан Қашқадарё ва Фарғона ўсмирлари учрашувда водийликларнинг қўли балоид келди.
Жуда кескин ўтган финал ўйинида пойтахт волейболчилари Оролбўйи ёшларига қараганда аниқроқ ҳаракат қилиб, ғалаба қозонди — 2:0. Биз Қорақалпоғистон терма жамоаси сардори Отабек Қазақовнинг таассуротларини ёзиб олдик.
2006 йили Қарши шаҳрида ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ҳам иштирок этганман. Ушунда жамоамиз фахрли учинчи ўридан жой олгандик. Бу гал голиблик учун астойдил курашдик. Ярим финалда фарғоналик дўстларимизга қарши ўйин осон ўтмади. Лекин уч йил олдинги натижани яхшилашга эришганимиздан хурсандимиз. Волейболчи қизлар баҳсида ҳам ярим финалда Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти жамоалари рўбарў келди. Гарчи ўйинда пойтахтликлар голиб чиққан бўлса-да, воҳада ҳам волейболга жиддий этибор берилаётганига амин бўлдик.
Иккинчи ярим финалда Хоразм ва Сирдарё қизлари майдонга чиқиб, ўйин анча мурасасиз ўтди. Бунда 2:0 ҳисобида меҳмонларнинг қўли балоид келди.
3-4-ўрин учун баҳс: Қашқадарё — Сирдарё — 2:1.
Финал: Тошкент ш. — Хоразм — 2:0.
Хоразмлик қизларга қойил қолиш керак. Улар турнирни анча кўтаринки руҳда ўтказишди. Баҳсларнинг биринчи кунини Самарқанд ва Қорақал-

поғистон тиббиёт коллежида ўсмирлар ўртасида баскетбол мусобақалари ташкил этилди. Унинг якунига тўхталсак, пойтахтлик ўсмирлар ҳам баскетбол бўйича тенгсиз эканликларини исботлашди: Тошкент ш. — Сирдарё — 52:27.
3-ўрин учун Қашқадарё ҳамда Самарқанд (ҳисоб 36:49) жамоаларининг баҳс олиб бориши Қашқа воҳасида бемалол баскетбол бўйича ҳам клуб шакллантириш имконини борлиги, бунинг учун ўринбосарлар улғаяётганини кўрсатди. Бундай дейишимизга сабаб шуки, айни пайтда волейбол ва баскетбол бўйича мамлакат чемпионатида Қашқадарё вилоятидан катталар жамоаси йўқ. «Умид ниҳоллари» мусобақалари эса ушбу спорт турлари бўйича ҳам воҳада истеъдодли ёшлар камолга етаётганини кўрсатди.
Қашқадарё полвонлар замини, «Динамо» спорт мажмуасида ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларининг кураш баҳслари якунида умумжамоа ҳисобида қашқадарёликлар биринчи, навоийликлар иккинчи ўринни эгаллади.
Биз навоийликлар устози Шойим Хидировга «Натижалардан қониқдингизми?» деган савол билан мурожаат этдик.
— Вилоят халқ таълими бошқармаси баҳсларга пухта тайёргарлик кўришимиз учун шароит яратиб берди. Мурабий Мамадали Норов билан машғулотларда ёшларимизнинг маҳоратини шакллантиришга ҳаракат қилдик. Беҳзод Дўстқулов кумуш медалга эришган бўлса, яна икки шогирдимиз бронза медалга соҳибига айланди. Тўрт нафар иштирокчи ва учта медал, албатта, ёмон натижа эмас. Худо хоҳласа, 2012 йили Лондонда 30-ёзги олимпиада ўйинлари ўтса, бизнинг вилоятда «Умид ниҳоллари-2012» мусобақалари ўтиши белгиланди. Бу давлатимизнинг бизга жуда катта ишончи ва ғамхўрлиги белгисидир. Ушбу мусобақаларда бугунгидан-да яшироқ натижа қайд этиш учун интиламиз.
Гулистонда 4-тип болалар спорт мажмуасида қизлар қўл тўпи бўйича голиблар аниқланди.
Ярим финалда Тошкент шаҳри жамоаси 15:8 ҳисобида Хоразм термасидан,

Хоразм — Сирдарё — 6:13.
3-ўрин учун ўйин: Тошкент ш. — Хоразм — 8:16.
Финал: Сурхондарё — Сирдарё — 10:15.
Бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, енгил атлетика, шахмат баҳсларини кузата туриб, ушбу спорт турлари бўйича ҳам юртимизда кўплаб иқтидорли ёшлар камолга етаётганига амин бўлдик. Мусобақалар чоғида жойлардаги мурабийлар ўзаро тажриба алмашишиди. Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари устозлари ўз ёндафтарчаларига истеъдодли ёшларнинг исм-фамилияларини қайд этиб қўйишди.
Шахмат бўйича Сарвиноз Қурбонбоева, Отабек Хайлаев (иккиси ҳам Сирдарё), енгил атлетика бўйича Дурдона Нейматжонова, Саида Анварова (Андижон), Бунез Бахтиёров (Хоразм), Екатерина Котлярова (Самарқанд), спорт гимнастикаси бўйича Зарифа Қахрамонова (Сирдарё), Уғилой Утанова (Фарғона), Александра Коновалцова (Тошкент ш.)лар муҳлис ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.
Голиб ва совриндорлар ҳамда бир қанча номинацияларда энг яхши деб топилганлар олтин, кумуш, бронза медаллари, дипломлар, шунингдек, велосипед, рангли телевизор, мусликй марказ ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.
«Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими «Ешлик» марказий стадионида бўлиб ўтди.
Ўзгал томшалар, рақслар, ватан мадҳи, спортнинг қудрати, дўстлик ва ватанга муҳаббат ҳақида тароналар янгради.
Ниҳоят, ёшлик ва нафосат байрами — «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларининг якуний натижалари ҳам эълон қилинди.
Унга кўра, Хоразм вилояти жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўрин ҳамда бронза медалга, диплом, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг совғаси — «Дамас» автомашинасига сазовор бўлди. Совғаларни Сирдарё вилояти ҳокими Абдураҳим Жалолов топширди.
Кумуш медал, диплом ҳамда

рамлар ярашади. «Умид ниҳоллари — 2009» мезбонлари мусобақа эстафетасини Навоий вилояти вакилларига топширди. Мусобақа машъаласи ўчирилди. Юрт довруғини дунёга таратишда энг асосий восита ҳисобланган спорт миллионлаб қалбларни бирлаштиради. Биз ўзбек спорти билан фахрланамиз ва дунё эйтиборини қозонишга қодир миллатимиз. Бугунги «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақалари иштирокчиларига йўллаган байрам табригининг асл нусхаси ҳамда «Дамас» автомашинаси калити мусобақанинг мутлақ голиби — Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Совғаларни Президентнинг давлат маслаҳатчиси Эркин Зоҳидов топширди.
Албатта, тинч дийерга бай-



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири. Икром ХАСАНОВ олган суратлар

«Respublika Mulk-Auktsioni» ДК Андижон вилоят филиалининг «Ishonch» газетаси орқали 2009 йил 30 майдаги 64-сонда чоп этилган эълонда аукцион савдолари ўтказиш жойи Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 30-уй (ДМҚ Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси) 104-хона деб ўқилсин.

НИҲОЛЛАР
О.К.У.Ф. Ф.Т.У.У.
ОЛИМ БАҚИТ

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-03-90

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«Tijorat materiallari» Bosilgan topshiri vakti - 21.00. Topshirildi - 22.20

Buyurtma Γ — 557

18263 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6

Gazetaning navbatdagi soni 6 iyun shanba kuni chikadi.